

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АБДУАЗИЗОВА ВЕРОНИКА ВАДИМОВНА**

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ПЕДАГОГИК  
ИЖОДИЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05. – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Абдуазизова Вероника Вадимовна**

Бўлажак касб таълими педагоглари педагогик ижодиётга  
тайёрлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш..... 3

**Абдуазизова Вероника Вадимовна**

Совершенствование научно-методических основ подготовки будущих  
педагогов профессионального образования к педагогическому  
творчеству..... 23

**Abduazizova Veronika Vadimovna**

Improvement of scientific-methodical bases of training of future professional  
education teachers to pedagogical creativity ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**АБДУАЗИЗОВА ВЕРОНИКА ВАДИМОВНА**

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ПЕДАГОГИК  
ИЖОДИЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.05. – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1PhD/Ped484 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.vocedu.uz](http://www.vocedu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Джураев Рисбай Хайдарович</b> педагогика фанлари доктори, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Шарипова Диляра Джуманиязовна</b> педагогика фанлари доктори, профессор
	<b>Голиш Людмила Владимировна</b> педагогика фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон машинасозлик институти</b>

Диссертация химояси Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_. соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37, E-mail: [moqt@markaz.uz](mailto:moqt@markaz.uz)).

Диссертация билан Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар., Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Қурбонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**С.Ю.Ашурова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**З.К.Исмоилова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида касб таълими соҳасида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бўлажак мутахассисларнинг педагогик ижодиётини ривожлантириш заруриятини тақозо этмоқда. Хусусан, Инчхон декларацияси ва “Таълим-2030” халқаро таълимни ривожлантириш ҳаракат дастурида “Барча учун кенг қамровли ва ҳаққоний сифатли таълим ва бутун ҳаётининг давомида таълим олишини рағбатлантиришни таъминлаш” каби асосий мақсадлар қайд этилган. Жумладан, фан, иқтисод, ишлаб чиқариш ва касб таълимининг долзарб муаммоларини мувафаққиятли ҳал қилишга қодир ижодкор шахсларга бўлган ошиб бораётган талабларнинг бажарилишида касбий таълимнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Жаҳон амалиётига мувофиқ, касб таълими педагоглари тайёрлашда таълим жараёни категорияларини танқидий таҳлил қилиш, режалаштириш ва тизимлаштириш орқали уларнинг эмпатик, коммуникативлик, мустақил ижодийлик ва прогностик-таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш педагогик ижодиётга тайёрлашда муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, уларнинг мустақил ҳаракат қилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, намоён қилиш ва бошқариш, ностандарт фикрлаш, танқидий таҳлил ва мақбул қарор қабул қилиш, доимий равишда янги ғоя, технологияларни излаш, топиш, ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш жараёнида инновацион технологияларнинг турли вариантларини қўллаган ҳолда, унинг ўзига хос хусусияти, ўқитиш мазмуни ва ўқув жараёнининг самарали дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, аввало, креатив педагогик ижодиётга йўналтирилган методикалар ва ўқув-методик мажмуаларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва касбий таълимнинг халқаро андозаларга тўлиқ мослигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий фаолият йўналишларидан таълим тизимида инновацияларни ишлаб чиқишни таъминлаш<sup>1</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш<sup>2</sup>” каби устувор вазифалар белгиланган. Шу сабабли, юқори малакали кадрларни тайёрлашда таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни касбий фаолиятга тайёрлаш амалиётига жорий қилиш учун таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг педагогик креатив фаолиятини ташкил этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан-тириш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // ҚХММБ: 06/17/5264/0339-сон 01.12.2017 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сонли “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўлажак педагогларда ижодиёт салоҳиятини шакллантириш аксарият тадқиқотчилар илмий қизиқишларининг предмети бўлиб келмоқда. Чет эл ва мамлакатимиз илмий адабиётида педагогик ижод таҳлилининг фалсафий, маданиятшуносликка оид, психологик, дидактик ва диагностика даражалари фарқланади, шунингдек педагоглар касбий фаолиятида ижоднинг шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш йўллари кўриб чиқилади, ижодий тафаккурининг турли қирралари тадқиқ қилинади, ижодий педагогик фаолиятнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари аниқланади.

Касб таълимини ривожланиш жараёни ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари О.А.Абдулина, В.П.Беспалько, Ю.К.Бабанский, С.Я.Батышев, В.С.Безрукова, А.А.Вербицкий, Р.Х.Джураев, К.А.Дуйсенбаев, Э.Ф.Зеер, У.И. Иноятов, З.К.Исмаилова, Ш.Э.Курбанов, М.И.Махмутов, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, К.Т.Олимов, И.П.Подласый, М.М. Поташник, Х.Ф. Рашидов, Н.С.Саидахмедов, В.А.Сластенин, У.К.Талипов, А.Р.Ходжабаев, М.Б.Уразова, Н.Ш.Шодиев, Ж.А.Хамидов, И.С.Якиманская каби машҳур педагог-олимлар ўз изланишларини бағишлаган.

Аудиториядан ташқарида ўтказиладиган машғулотларни ташкил қилишга умумметодологик ёндашувлар Н.Н.Азизходжаева, В.И.Андреев, П.Н.Андрианов, С.И.Архангельский, П.Р.Атутов, В.П.Беспалько, А.А.Вербицкий, Н.П. Иващенко, А.Ишанов, М.В.Кларин, С.И.Кудинов, М.П.Марчак, И.А.Новиков, П.И.Пидкасистый, В.А.Сластенин, Ю.С.Столяров, А.И.Шербаков каби олимлар тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Талабаларда педагогик ижодни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари В.Е.Алексеев, М.М.Ахмедова, Б.Белл, А.А.Бодалев, Е.В.Бондаревская, Т.А.Глотова, Р.М.Грановская, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, И.Я.Лернер, А.А.Леонтьев, Н.Н.Лобанова, М.И.Махмутов, Л.М.Митина, А.Т.Нурманов, Н.Д.Никандров, Т.С.Панина, Я.А.Пономарев, Н.П.Тельнов, Ш.С.Шарипов, Е.Н.Шиянов, Н.М.Яковлева,

Guilford Y.P., Mednich S.A., Pope R. каби олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Юқорида санаб ўтилган олимлар асарларида ҳозирги даврда бўлажак педагогларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг самарали йўллари ва воситалари тадқиқ қилинган. Бироқ мазкур тадқиқотларда аудиторияда ва аудиториядан ташқарида машғулотларни ўтказишда дидактик воситалардан самарали фойдаланиш масалалари, шунингдек бўлажак касб таълим педагогларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш механизмлари масалалари етарли даражада ёритилмаган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича самарадор методикалари билан таъминланмаган. Демак, бўлажак касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларни тайёрлашнинг уларнинг касбий ва ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган илмий-методик асосларини тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И1-ХТ-0-69735 «Таълим олувчиларда ижодкорлик, новаторлик ва касбий маҳоратни шакллантириш - баркамол авлодни тарбиялашнинг зарур шарти сифатида» ва А1-ХТ-1-33147 «Узлуксиз таълим тизимида сифатни ошириш технологиялари ва педагогик жараёнларни самарали яратиш ва бошқариш» мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак касб таълими педагогларини педагогик ижодиётга тайёрлаш жараёнининг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак касб таълими педагогларини тайёрлаш жараёнининг амалдаги ҳолатини танқидий таҳлил қилиш;

ижодий салоҳиятнинг самарали шаклланишига таъсир қилувчи психологик-педагогик омилларини белгилаш асосида бўлажак касб таълими педагоглари ижодий салоҳиятининг таркибий компонентларини мазмунини ишлаб чиқиш;

бўлажак касб таълими педагогларларини тайёрлашга тизимли, компетенциявий ва фаолиятга доир ёндашувлар асосида педагогик салоҳият даражасини оширишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;

бўлажак касб таълим педагоглар ижодий салоҳиятини ривожлантириш дидактик механизмларини аниқлаш асосида уларнинг ижодий салоҳиятини оширишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш;

касб таълими йўналишлари талабаларининг ижодий салоҳиятини ошириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижалар асосида методик тавсияларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлажак касб таълими педагоглари педагогик ижодга тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлажак касб таълими педагоглари педагогик ижодиётга тайёрлаш жараёнининг илмий-методик асослари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида мавзуга оид фалсафий, педагогик, психологик манбалар, ДТС, малака талаблар, ўқув режалар, дастурларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик-ижтимоий (тест, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш) ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларга математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда иборат:

касбий таълим йўналишлари талабаларининг ижодий салоҳиятини шакллантиришнинг ўз-ўзини фаоллаштириш, продуктивлик, абстрактлилик ва экстенсивлик каби психологик-педагогик омилларини белгилаш асосида талабаларнинг креатив, технологик ва диагностик қобилиятларини шакллантириш имкониятлари (субъектлилик, масофавийлик ва инновацион ғояларни излаш) кенгайтирилган;

бўлажак касб таълими педагоглари касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, ассоциатив ва ностандарт фикрлаш кўникмаларини креатив таълим технологиялари асосида шакллантириш орқали ижодий педагогик салоҳиятни характерловчи мотивацион, фаолиятли, прагматик ва новаторлик каби ташкилий-функционал компонентлари мазмуни такомиллаштирилган;

талабаларнинг мослашувчанлик, мустақил фикрлаш, касбий фаоллик ва ижодий-яратувчанлик каби педагогик ижодиётга тайёргарлик даражаларини оширишга қаратилган муаммоли ўқитиш технологиялари ва интегратив амалий топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш орқали бўлажак касб таълими педагоглари тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

касбий таълим жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар ва лаборатория-тадқиқот ишларини ўтказишда интегратив методлар (“ариз-триз”, кейс-стади, лойиҳа) ҳамда муаммоли-изланишли кейслар банки каби дидактик воситалардан фойдаланишнинг диагностик ва самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими педагоглари ижодий салоҳиятининг ривожланганлик даражаларини баҳоловчи методикалар тизими, касбий таълимнинг назарий асосларини ўрганишга қаратилган машғулотлар ўтказишда дидактик манбалардан фойдаланиш методикаси ҳамда махсус фанларни ўқитишнинг изчил босқичларида ижодий салоҳиятни аниқловчи баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

касбий таълимнинг амалдаги ҳолати, моҳияти ва уни ривожлантириш истиқболлари бўйича халқаро илғор тажрибалар таҳлилининг ўз ичига олган “Ҳозирги даврда дунёда узлуксиз касбий таълимни ривожлантиришнинг майллари ва истиқболлари” номли ўқув қўлланма ва “Таълим олувчиларда ўзини-ўзи ифодалаш ва ўзини-ўзи намоён қилиш қобилиятларини шахснинг



асосий фазилатлари сифатида шакллантириш – давр талаби” номли илмий-методик қўлланмалар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; шахсга йўналтирилган таълим технологияларига оид ўқув материалларининг нашр этилганлиги ва таълим жараёнига жорий қилинганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “шахс ижодий салоҳияти” тушунчасининг тузилиши ва моҳиятининг теран тушунилиши; аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўтказиладиган машғулотларнинг дидактик таъминотининг тизимли ва тузилмавий таҳлилини амалга ошириш; аудиторияда ва аудиториядан ташқари машғулотларни ўтказишда дидактик воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи ишлаб чиқилган кўрсаткичлари тизимини қўллаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касб таълим тизимида аудиторияда ва аудиториядан ташқари машғулотларни ўтказиш самарадорлигини таҳлил қилишда квалиметрик усулларни қўллаш; педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида креатив технологияларни қўллаш имконияти; бўлажак касб таълими педагогларда ижодий салоҳият даражасини баҳолаш учун касбий йўналтирилган диагностик вазифаларни ишлаб чиқиш методикасини қўллаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак касб таълим педагогларини педагогик ижодга тайёрлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ижодий-яратувчанлик характердаги амалий топшириқлар тизими ва муаммоли ўқитиш технологиялари асосида педагогик ижодиёт даражасини оширишнинг инновацион усулларини қамраб олувчи таклиф ва тавсиялар тажриба-синов майдонларидаги 5111000–Касбий таълим бакалавриат йўналишлари малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва ўқув жараёнида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 31 октябрдаги 89-03-2620-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар талабаларни педагогик ижодга тайёрлаш жараёни такомиллаштиришга хизмат қилган;

касбий таълим жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларни тадқиқотли “ариз-триз” лаборатория машғулотларини ўтказишда муаммоли-изланишли кейслар банки ва замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш самарадорлигининг ташкилий-диагностик кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари, “Ҳозирги даврда дунёда узлуксиз касбий таълимни ривожлантиришнинг майллари ва истиқболлари” номли

ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 31 октябрдаги 89-03-2620-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма бўлажак касб таълими педагоглариининг интеллектуал касбий салоҳияти ва ижодий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилган;

педагогик ижодга тайёрлаш бўйича дидактик механизмларини қамраб олувчи креатив таълим технологиялар асосида шахснинг касб жиҳатдан аҳамиятли фазилатларини юксалтиришга йўналтирилган “Таълим олувчиларда ўзини-ўзи ифодалаш ва ўзини-ўзи намоён қилиш қобилиятларини шахснинг асосий фазилатлари сифатида шакллантириш – давр талаби” ва “Бўлажак муҳандис-педагоглари педагогик ижодга тайёрлаш” ўқув-услугий таъминот мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 31 октябрдаги 89-03-2620-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув-услугий таъминот касб таълими йўналишлари талабаларининг мустақил таълимни ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий ва методик ишлар нашр қилинган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, 6 таси республика миқёсидаги журналларда ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети белгиланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари асослаб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Касб таълим педагоглариини тайёрлашнинг мавжуд тизимининг тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи бобида бўлажак касб таълим педагоглариини тайёрлаш тизимининг мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини тузилиш ва мазмун жиҳатдан таҳлили асосида бўлажак педагоглар ижодий салоҳиятининг ривожланиш жараёнини белгиловчи педагогик-психологик омиллари ва мезонлари аниқланди.

Касб таълим соҳасини такомиллаштириш муаммосини ўрганиш мамлакатимиз олимлари Р.Х.Джураев, Л.В.Голиш, У.И.Иноятов, Ш.Э.Курбонов, Н.А.Муслимов, Б.Ж.Муҳаммадиев, А.Т.Нурманов, Х.Ф.Рашидов, Э.А.Сейтхалилов, С.Т.Турғунов, М.Б.Уразова, Ш.Шодмонова, Ш.С. Шарипов ва бошқалар, шунингдек А.Анастази, Ю.К.Бабанский, В.Ф.Бессараб, В.Н.Герасимов, Ю.В.Гришина, Э.Ф.Зеер, Н.В.Кузьмина, В.С.Леднев, М.Маслоу, В.А.Николаев, М.М.Поташник, Э.Стоунс, В.Д.Шадриков каби хорижий олимлар илмий ишларида методологик (касб таълим педагоглар бўлажак фаолиятининг ўзига хос шарт-шароитлари таҳлили; педагоглар фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлили; муҳандислик ва психологик-педагогик билимлар интеграцияси йўллари); психологик (интегратив билимларни орттиришга олий асосларни (мотивация) шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш; бўлажак касб таълим педагогларнинг билиш мустақил фаолиятини фаоллаштириш усуллари; шахснинг касбий фазилатларини ривожлантириш усул ва воситалари); методик (бўлажак касб таълим педагоглари креатив қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш йўллар; хилма-хил ижодий масалаларни ҳал қилиш тажрибасини орттириш шакл ва усуллари; касбий ва педагогик фанлар бўйича ўқув-методик мажмуалар ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш); дидактик (аудиторияда ва аудиториядан ташқари машғулотлар ўтказишнинг энг мувофиқ (оптимал) воситалари ва усул ва йўллари; педагоглар ва талабалар учун фанни самарали баён қилиш ва ўрганиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш) ва ташкилий-бошқарув (академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларни бошқариш тизимлари тузилиши ва мазмунини ишлаб чиқиш; касб таълимни бошқариш тизимининг меъёрий ҳуқуқий жиҳатлари) характердаги масалалар тадқиқ қилинганлигини кўрсатди. Бирок ўқув-тарбия жараёнининг дидактик таркибий қисмларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини ўрганишга тизимли ёндашув етарли даражада кўриб чиқилмаган.

Бўлажак касб таълим педагоглари тайёрлаш ўқув-тарбия жараёнини тизимли таҳлил қилиш асосида уларни тайёрлашнинг самарадорлигини аниқловчи методологик, психологик, методик, дидактик, креатив, технологик-педагогик ва касбий-кадрларга оид характердаги омилларнинг асосий гуруҳи аниқланди. Аниқланган омиллар мазмунини таҳлил қилиш қуйидагича хулоса чиқариш имконини берди: касб таълим педагоглари самарали тайёрлаш учун бўлажак педагогларда юксак ижодий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг илмий-методик асосларини тизимли такомиллаштириш зарур. Ижодий салоҳиятнинг асосий таркибий қисмлари сифатида когнитив, мотивацион ва прагматик компонентлар. Квалиметрик таҳлил асосида ижодий салоҳиятлар ривожланишини миқдорий баҳолаш усули таклиф қилинган, у педагог ижодий ютуқларини рейтинг тизими асосида мазкур салоҳиятларнинг ошиши динамикасини акс эттиради, хусусан тест синовларида олинган рейтинглар асосида аниқланувчи ижодий ривожланиш кўрсаткичи ( $P_{mp}^n$ ).

Касб таълими соҳасини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш

мамлакатимиз олимлари, шунингдек хорижий олимлар асарларида методологик, психологик, методик, дидактик ва ташкилий-бошқариш характердаги масалалар тадқиқ қилинганлигини кўрсатди. Бироқ ўқув-тарбия жараёнига тегишли дидактик компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсирини ўрганишга нисбатан тизимли, компетенциявий ва фаолиятга оид ёндашувлар етарли даражада кўриб чиқилмаган.

Бўлажак касб таълими педагоглари самарали тайёрлаш учун уларда юқори ижодий салоҳиятни шакллантиришга қаратилган бўлажак касб таълими педагоглари ўқитишнинг илмий-методик асосларини тизимли такомиллаштириш зарур. Когнитив, мотивацияли ва прагматик компонентлар ижодий салоҳиятнинг асосий таркибий қисмлари сифатида кўриб чиқилди.

Тузилиш жиҳатдан креатив педагогик технология реал ўқув-ижодий жараён шароитида психологик ва педагогик вазифалар мажмуини самарали амалга оширишни таъминловчи таркибий қисмлардан иборат (1-расм).



**1-расм. Креатив педагогик технология тузилишининг таркибий қисмлари**

Таъкидлаб ўтиш керакки, креатив педагогик технологиянинг ишлаб чиқилган тузилиши ва мазмуни бўлажак педагоглар касбий ижодиётини оширишнинг самарали дидактик усулидир. Бундай технологияни қўллаш самарадорлигинининг миқдорий баҳоланиши квалиметрик кўрсаткичлар мужмуи ҳисобланади, улар бўлажак педагогларни касбий ва ижодий жиҳатдан тайёрлашнинг натижавийлигини очиб беради.

Диссертациянинг «**Бўлажак касб таълими педагогларида педагогик ижодиётни шакллантиришнинг илмий-методик асослари**» деб номланган иккинчи бобида бўлажак касб таълими педагогларни ўқитишнинг илмий-методик асосларини тизимли такомиллаштириш шахс ижодий салоҳиятининг аниқланган тузилишига оид (структуравий) мотивацион, когнитив ва прагматик таркибий қисмларига асосланиши аниқланган, шунингдек бўлажак педагогларда ижодий салоҳиятни босқичма-босқич, изчил шакллантириш ва


ривожлантириш таълимнинг креатив технолгиясини қўллаган ҳолда мумкинлиги тўғрисидаги ҳолат илмий асослаб берилган.

Бўлажак касб таълим педагоглари тайёрлаш мавжуд тизимининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур тизим ўқув-тарбия жараёнини (орттирилаётган билимлар, малака ва кўникмалар асосида ўқув режа, ўқув-методик мажмуа ва ўқитиш натижаларини баҳолаш) режалаштириш, лойиҳалаштириш ва амалга оширишда “билишга оид” концепциясининг илмий-методик асосларидан фойдаланиш билан тавсифланади, бу эса талабаларда ижодий салоҳиятнинг фаол ривожланишига ёрдам бермайди. Бўлажак касб таълими педагоглари тайёрлашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш мақсадида лойиҳалаштиришнинг инновацион усуллари, ёзма йўл-йўриқ-технологик карталар, кейс-стадидан фойдаланиш таклиф этилган. Тузилиш жиҳатдан креатив педагогик технология таркибига реал ўқитиш-ижодий жараён шароитида психологик ва педагогик вазифалар мажмуини самарали амалга оширини таъминловчи компонентлар киради (1-расм).

**Режалаштириш босқичида** - ўқув-ижодий режа ишлаб чиқилади, у моҳиятан замонавийлаштирилган “билишга оид” ўқув режадир. Ўқув-ижодий режанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: касбий-амалий ва мустақил ижодий ишга йўналганлик; интегратив фанларнинг устуворлиги; педагог компетентликнинг шаклланганлик даражасини диагностика қилиш учун муваққат манбаларнинг (ресурсларнинг) ажратилиши; аудиторияда ўтказиладиган ва мустақил машғулотларга ажратилган соатлар оқилона нисбатда бўлиши, бунда мустақил машғулотларга ажратилган вақт аудиторияда ўтказиладиган машғулотларга ажратиладиган ватдан икки баравар ва ундан кўпроқ бўлиши керак; педагог ижодий шахсининг шаклланиши ҳамда унинг маънавий-дунёқарашга оид маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Таълим-тарбия жараёни креатив педагогик технология асосида амалга оширилади, унинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагилар киради: ўқитишни яқка тартибда олиб бориш; асосини таълим олувчиларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзини тарбиялашни мотивация қилиш, ижодий фаолиятини фаоллаштириш ва рағбатлантириш механизмлари ташкил қилган меъёрий рейтинг тизимидан фойдаланиш; аудиторида ўтказиладиган ва мустақил машғулотларда дидактик ресурслардан (муваққат, ахборотли ва креатив) оқилона фойдаланиш тизимини қўллаш; интегратив фанлар бўйча компетенциявий ўқув методик мажмуаларни ишлаб чиқиш.

**Лойиҳалаштириш босқичи** бу – ўқитишни индивидуаллаштириш, ўзини-ўзи ривожлантириш ва ўзини-ўзи тарбиялашга мотивация қилиш механизмлари, бўлажак педагоглар компетентлиги даражасини объектив на ишончли тарзда аниқлаш рейтинг тизими, аудиторияда ўтказиладиган ва мустақил машғулотларни ўтказишда дидактик манбалардан (муваққат, ахборотли ва креатив) оқилона фойдаланиш, ўқув-ижодий режадаги фанлар бўйича компетенциявий ўқув-методик мажмуаларни ўз ичига олган креатив таълим технологияси мазмуни ва параметрларидир.



2-расм. Креатив педагогик технология асосида бўлажак педагогларни тайёрлаш модели

**Таълим-ижодий жараёни амалга ошириш босқичда** - аудиторияда ўтказиладиган машғулотларни муаммовий маъруза, креатив семнарлар, касбга йўналтирилган амалий ва тадқиқот-лаборатория ишлари шаклида ўтказиш; мустақил ишларни касбий характерда яқка тартибдаги иждодий топшириқларни бажариш шаклида ўтказиш, булар ўқув-ижодий режага кирган барча фанлар бўйича иждодий топшириқлар банкини ишлаб чиқишни талаб қилади; ўқитишнинг барча босқичларида (кириш, семестрларга оид ва аттестация диагностикаси) иждодий топшириқлар тўпламини бажаришга асосланган диагностика процедураларидан фойдаланиш.

Муаммо доирасида амалга оширилган назарий тадқиқотлар бўлажак педагогларни ўқитиш жараёни асосланиши керак бўлган психологик-педагогик тамойилларни аниқлаш имконини берди: жадал илмий-назарий тайёрлашга қаратилган педагогик тадбирларнинг тизимлилиги ва босқичма-босқичлиги; бўлажак педагоглар шахсини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик чора-тадбирларнинг изчиллиги ва узлуксизлиги; таълим жараёнларини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга ёрдам берувчи методик ишланмаларнинг ишлов беришга қулайлиги; юқори ўқув-ижодий натижаларга эришишни асослаш ва рағбатлантириш; шаклланган педагогик иждодиёт даражасини баҳолашнинг холисоналиги ва ишончилиги; илмий-касбий ва психологик-педагогик билимларни ўзлаштириш назарияси ва амалиётининг интеграцияси. Кўриб чиқилган бўлажак касб таълим педагогларини тайёрлашда педагогик иждодиёт даражасини ошириш тамойиллари асосида қуйидаги таълим инновацион усуллари ишлаб чиқилди ва таълим-ижодий жараёнга босқичма-босқич жорий қилинди: йўл-йўриқ-технологик карталарни қўллаш усули, лойиҳалаштириш усули.

Юқорида кўриб чиқилган усулларни бўлажак касб таълим педагогларини тайёрлаш ўқув-ижодий жараёнида самарали амалга ошириш иждодий салоҳиятларни шакллантириш ва ривожлантириш дидактик механизмларини мазмун ва моҳиятини очиқ бериш имкониятини берди: яқка тартибда-фаолиятга оид ёндашув, даврий диагностика, синергетик ёндашувни амалга ошириш, таълим олаётганлар иждодий фаоллигини рағбатлантириш ҳамда аудиторияда ўтказиладиган машғулотларни муаммовий-тадқиқот тарзда ўтказиш, мустақил иждодий фаолиятини фаоллаштириш механизмлари. Мазкур тамойиллар ва дидактик механизмлар асосида бўлажак педагогларда иждодий салоҳиятларни фаол шакллантириш ва ривожлантириш креатив педагогик технология қўлланилган ҳолда мумкинлиги тўғрисидаги илмий ҳолат илмий асослаб берилди.

Диссертациянинг «**Бўлажак касб таълими педагоглари иждодий салоҳиятини ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синовини ташкил қилиш ва ўтказиш**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовини ўтказиш методикаси ва ўтказиш жараёни баён қилинган. Педагогик тажриба-синов натижалари ва бўлажак касб таълими педагогларни тайёрлашда креатив педагогик технологияларни босқичма-босқич жорий қилиш методикаси самарадорлигини баҳолаш, шунингдек тажриба-синов маълумотларига статистик ишлов бериш тўғрисида маълумотлар

келтирилган. Назорат гуруҳларида ўқитиш амалдаги дастур бўйича, ўқитишнинг анъанавий усулларида фойдаланган ҳолда, амалга оширилган. Тажриба-синов гуруҳларида ўқитиш экспериментал дастур бўйича, креатив усуллардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган.

Тажриба-синов натижаларининг ўқитувчилар тайёргарлиги даражаси, уларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлигини истисно қилиш мақсадида назорат ва тажриба синов гуруҳларида ўқитишни айнан бир ўқитувчи олиб борган.

П.Я. Гальпериннинг ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясига таянган ҳолда, мазкур тадқиқотнинг биринчи босқичида йўл-йўриқ-технологик карталардан фойдаланилди, иккинчи босқичида – аудиториядан ташқари машғулотларда ва педагогик амалиёт жараёнларида кафедра кўрсатмалари кўринишидаги технологик карталардан фойдаланилган, учинчи босқичда дипломдан олишдан олдинги амалиёт жараёнида. Шундай қилиб, тажриба-синов гуруҳларида талабалар олдида қўйилган вазифалар мазмуни ва характер жиҳатдан босқичма-босқич мураккаблашиб борган. Таъкидлаб ўтиш керакки, креатив педагогик технологиянинг ишлаб чиқилган тузилиши ва мазмуни бўлажак касб таълими педагогларининг касбий ижодиётини оширишнинг самарали дидактик усули ҳисобланади. Бундай технологияни қўллаш самарадорлигини миқдорий баҳоланиши квалиметрик кўрсаткичлар мужмуи ҳисобланади, улар бўлажак педагогларни касбий ва ижодий жиҳатдан тайёргарлигининг натижавийлигини очиқ беради. Мазкур кўрсаткичлар бўлажак педагогларни ( $T_{\text{тайёрг.}}$ ) тайёрлашга сарфланган вақтнинг таҳлили асосида олинган бўлиб, улар аудиторияда ( $T_{\text{ауд.}}$ ) ва аудиториядан ташқари (мустақил) ( $T_{\text{муст.}}$ ) машғулотларга сарфланган вақтнинг суммасини ташкил қилади. Сарфланган вақт балансининг тенгламасини тузамиз:

$$T_{\text{тайёрг.}} = T_{\text{ауд.}} + T_{\text{муст.}}$$

Аудиторияда ва мустақил ўтказиладиган машғулотлар ҳар хил турларининг дидактик ўзига хос хусусиятлари креатив педагогик технология мазмунининг ижодий, тадқиқотга ва методологик йўналганлигини акс эттиради. Агар мустақил машғулотларни ўтказиш учун сарфланган вақт аудиторияда ўтказиладиган машғулотларга сарфланган вақтдан 2 – 5 баробар кўп бўлса, унда бундай ўқув-ижодий жараён бўлажак педагогларни тайёрлаш жадаллигининг юқори эканлигидан далолат беради.

Тажриба-синов тадқиқотларининг ишончлилиги ва натижавийлиги бўлажак педагогларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш асосида, объектив ва ишончли кўрсаткичлар ёрдамида дастлабки натижаларни баҳолаш асосида, тажриба-синов ишларини ўтказишнинг аниқ психологик-педагогик шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда хилма-хил диагностика усуллардани кенг фойдаланиш асосида аниқланган.

Тажриба-синов тадқиқотлари И.А. Каримов номидаги Тошкент давлат техник университетида (ТДТУ), Бердақ номидаги Қорақалпоқстон давлат университетида (ҚДУ), Навоий педагогика институту (НПИ) ва Наманган



муҳандислик қурилиш институтида (НамМҚИ), республиканинг турли коллежларида ўтказилди. Таҷриба-синов ишларини бажариш қуйидаги босқичлардан таркиб топган: тайёрлаш, қайд қилиш, шакллантириш ва умумлаштириш.

Тайёрлаш босқичида ташкилий-методик чора-тадбирлар амалга оширилди (таҷриба-синов дастурини тайёрлаш, анкеталар, тест топшириқлари, диагностик вазифалар ҳамда аудиторияда ва аудиториядан ташқари машғулотларни ўтказишнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш).

Таҷриба-синов ишларининг иккинчи босқичи коллежлар ўқитувчилари ва ўқувчилари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг мавжуд ижодий салоҳиятларини аниқлашга қаратилган. Таҷриба-синов ишларини ўтказиш давомида шахс креативлигининг ривожланиш даражаси ва таълим жараёнида ижодий салоҳиятлар шаклланиш динамикаси текширилди. Таълим олувчи шахси креативлигининг ривожланиш даражаси муаллиф томонидан ишлаб чиқилган “Шахс креативлиги” тести ва тафаккурнинг турли кўринишларини (математик, мавҳум, мантиқий ва бошқа) аниқлаш бўйча замонавий психологик-педагогик тестлардан фойдаланиш асосида аниқланди. Ижодий салоҳиятларнинг шаклланиш динамикаси муаллиф вазифалари асосида аниқланди.

Таҷриба-синовларнинг мазкур босқичида олинган натижалар таҳлили қуйидагича хулосалар чиқариш имконини берди:

- бакалавр ва магистрларни тайёрлашнинг мавжуд тизимида таълим-тарбия жараёни ижодий йўналтирилганликнинг нисбатан пастлиги билан тавсифланади;

- магистр дипломига эга ўқитувчилар шахсининг креативлик ва ижодий салоҳият даражаси бакалавриятни битирганларга қараганда юқорироқ;

- бакалавриятнинг аксарият битирувчилари ижодий салоҳиятлари ривожланиш даражасининг пастлиги таълим-тарбия жараёнини “билимга оид” концепцияси асосида амалга оширилганлиги оқибатидир; шунинг учун коллежларда педагогик фаолиятни амалга ошириш учун ижодий салоҳияти даражаси ўртача ва юқори бўлган магистратура битирувчиларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Респондентлар жавоблари мазмунларининг таҳлили уларнинг сезиларли даражада хилма-хиллигини кўрсатди. Бу ҳол таҷриба-синов маълумотларини математик статистика усулларида фойдаланган ҳолда тизимлаштириш ва ишлов беришни талаб қилди. Чунончи 21,7% респондентлар мавжуд моддий-техника ва илмий-методик база ижодий салоҳиятни ривожлантиришни мақсад қилиб қўймаган деб ҳисоблайдилар; 26,2% - мавжуд шарт-шароитлар амалиётга йўналганлигининг пастлиги билан характерланишини таъкидладилар; 51,1% - ўқитувчилар компетентлигининг пастлигини таъкидладилар.

Таҷриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичининг мақсади таълим-тарбия (назорат гуруҳ) ва ўқув-ижодий (таҷриба-синов гуруҳ) жараёнларнинг дидактик таркибий қисмлари самарадорлигини баҳолашдан

иборат бўлди. Мазкур босқичда ҚДУ, НПИ, ТДТУ ва НамМҚИларнинг 150 нафар талабалар-бўлажак педагогларнинг тажриба-синов (ТСГ) ва назорат (НГ) гуруҳлари ажратилди. Дидактик материаллар самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида талабаларнинг фаоллиги ва креативлиги, билимларни интеграция қилиш қобилияти, амалиётга йўналтирилган вазифаларни ҳал қилиш кўникмалари ва тажрибаси, тадқиқот олиб бориш ва ижодий малакалари олинди (1-жадвал).

1-жадвал.

**Креатив педагогик технологияларда дидактик таркибий қисмлар  
самарадорлиги кўрсаткичлари**

Гуруҳлар	Аудиторияда ўтказиладиган машғулотлар	Аудиториядан ташқарида ўтказиладиган машғулотлар
<b>Талабалар фаоллиги</b> ( <i>гуруҳдаги талабалар умумий сонига нисбатан фойизда</i> )		
Тажриба-синов	68,7%	80%
Назорат	45,4%	54%
<b>Педагогик ва касбий билимларни бирлаштириш қобилияти</b>		
Тажриба-синов	70%	82,6%
Назорат	47,3%	58%
<b>Амалиётга йўналтирилган вазифаларни ҳал қилиш тажрибасига эга бўлиш</b>		
Тажриба-синов	58,6%	72,6%
Назорат	36%	52%
<b>Талабалар креативлиги</b>		
Тажриба-синов	64%	70,7%
Назорат	46,7%	49,3%
<b>Тадқиқот олиб бориш кўникма ва малакаларнинг шаклланиши</b>		
Тажриба-синов	68%	74,6%
Назорат	43,3%	48,7%

Олинган тажриба-синов маълумотларнинг статистик таҳлили асосида креатив педагогик технология асосида таълим олаётган талабаларда педагогик кўрсаткичларнинг қуйидаги ижобий ўзгаришлар аниқланди:

- машғулот аудиторияда ўтказилганда фаоллик ошади;
- тажриба-синов гуруҳлардаги талабаларнинг билимларни интеграция қилиш қобилияти ривожланган;
- аудиторияда ўтказиладиган машғулотларда талабалар чиқишларининг креативлиги 22,9%га ўсди, бу таълим олувчиларда ижодий салоҳиятнинг фаол шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради;
- тажриба-синов гуруҳларида амалиётга йўналтирилган масалаларни ҳал қилиш тажрибасининг ортиши жараёни ўрта ҳисобда 11,7%га ошди;
- тажриба-синов гуруҳлардаги талабаларда тадқиқот олиб бориш малака ва кўникмаларининг фаол шаклланиши таъкидланди.

Тажриба-синов ишларини амалга оширишнинг умумлаштирувчи босқичида бўлажак касб таълим педагогларининг педагогик ижодиётга тайёрлаш даражасини оширишга ёрдам берувчи психологик-педагогик ва ижодиётга йўналтирилган қуйидаги мезонлари аниқланди.

